



Маҳалла

ШАНБА

2014 йил 15 ноябрь,
№96 (1063)

www.mahallagz.uz info@mahallagz.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2014 йил 14 ноябрда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси ўз ишینی давом эттирди.

Сенаторлар ялпи мажлисининг иккинчи кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига мувофиқ парламент юқори палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги масалани кўриб чиқишдан бошлади.

Ушбу масалани кўриб чиқиш асносида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатлари олий қадрият бўлган, амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этадиган давлатимиз инсонпарварлигининг яна бир ёрқин кўриниши эканлигини кўрсатиб ўтди.

Ушбу масала бўйича тегишли қарор қабул қилинди. Олий Мажлис Сенатининг қароридида куйидаги маҳумларни: аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет давлатлар фуқаролари, шунингдек, бир қатор бошқа тоифадаги шахсларни жазодан озод қилиш (назарда тутилган чеклашлари ҳисобга олган ҳолда) кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, қарорда амнистия тўғрисидаги қарор татбиқ этилмайдиган шахсларнинг тоифалари ҳам назарда тутилган.

Сенат ўз қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Конс-

титудияси қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорини қўллашни тартибни белгилади. Ушбу тартибда жиноий жавобгарликдан ва жазодан амнистия ҳужжати мувофиқ озод қилинадиган шахслар ҳусусидаги ишлар ва материалларни судда кўриб чиқиш тартиб-таомили белгиланмоқда. Бунда амнистия актининг қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратини ва қарорни қўллашни тартиб-таомилларининг очик-ошкоралигини таъминлашда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашиларининг депутатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг минтақавий вакиллари фаол иштирок этиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, жазодан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимояси оид чораларни амалда рўйбога чиқариш, улар тўлиқ ҳисобга олиниши ва ишга жойлаштирилиши таъминлаш, ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйларининг қарорига жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналарининг, васийлик ва ҳимойлик органларининг назоратига топшириш, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юборишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш ҳам назарда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

МАҲАЛЛА МАНЗАРАСИ



Бош Қомусимиз қабул қилинганнинг 22 йиллиги арафасида пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек тумани Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари янги бинога эга бўлишди.

Ушбу масканда маҳаллани аниқ йўнаштирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳамда турли ташкилотлар билан ижтимоий шериклик муносабатларини йўлга қўйиш учун барча шароит яратилган.

Йиғин мутасаддилари айни пайтда ушбу имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, маҳалла фаолияти янада самарали ташкил этишга астойдил бел болашган.

■ М. МЕЛИҚУЛОВА «Mahalla»

Халқаро ҳамжамият Ўзбекистоннинг фаровонлик даражасини муносиб баҳоламоқда

2014 йил 4 ноябрь кунини нуфузли «Legatum» халқаро институти (Буюк Британия) ҳар йили янгилаб борадиган Дунё мамлакатларининг фаровонлик индексини эълон қилди.

Бу индекс дунёнинг 142 мамлакатини, ер юзи аҳолисининг 96 фоизини ва жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 99 фоизини қамраб олган. Бутун дунёда эътироф этилган усуллар асосида «Legatum» институти томонидан ишлаб чиқилган ушбу фаровонлик индекси аҳоли фаровонлиги учун шароит яратиш борасида

89 кўрсаткич бўйича дунё мамлакатларининг ютуқларини ифода этади.

Мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, аввало, халқимиз фаровонлигини изчил оширишга қаратилган алоҳида

этибор туфайли Ўзбекистон жаҳон фаровонлик рейтингини яна бир бор юқори поғонага кўтарилди. «Legatum» институти экспертлари томонидан ўтказилган баҳолаш натижаларига кўра, Ўзбекистон мазкур рейтингда 57-ўринни эгаллади ва бир йил ичида олти поғона юқорига кўтарилди (2013 йилда 63-ўрин эди).

Бунинг самарасида Ўзбекистон Республикасининг фаровонлик борасидаги бу йилги рейтинг Греция, Руминия, Украина, Мек-

сика, Россия, Индонезия, Сербия, Озарбайжон, Грузия, Туркия ва бошқа кўплаб давлатлар рейтингдан ошиб кетди.


«Legatum» институти мамлакатнинг иқтисодий даражаси, тадбиркорлик фаолияти, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш тизими, фуқаролар ҳафсизлиги даражаси ва ижтимоий капитал каби асосий кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда рейтингларни аниқлайди.

> [2]

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Оила мустақамлиги юксак маънавиятдан

Оилалар тинч-аҳиллиги маҳалла озоишталлиги, пировардида, жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлайди. Таъкидлаш жоизки, бугунги глобаллашув жараёнида юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осудалик, фаровонлик миллий бошқарув тизимимиз — маҳалла институтининг фаол кучга айланиб бораётгани билан белгиланмоқда.



■ Шерзод ҚУРБОНОВ «Mahalla»

Маҳаллаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ишларда хотин-қизлар ўртасида турли тартиб тадбирларини ташкиллаштириш, уларни спортга жалб этиш, хусусан, болалар ва аёллар спортини ривожлантириш борасидаги амалий саъй-ҳаракатларнинг ўрни бекиб.

Тошкент шаҳар Яққасарой тумани «Бошлиқ» маҳалласида олиб борилаётган профилатик тадбирлар йиғин фаолларининг масалага янгича ёндашуви, таъсирчан усуллардан фойдаланиши кутилган натижаларни тўхта этмоқда.

> [4]

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Куйидаги маҳумлар жазодан озод қилинсин (ушбу Қарорнинг 7-бандида кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):
а) аёллар;
б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
в) 60 ёшдан ошган эркаклар;
г) чет давлатлар фуқаролари;
д) I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек ушбу Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўқтинлик қиладиган оғир касалликларга чалинган деб топилган шахслар.

2. Эҳтиётсизлик ораксида жиноят содир этган шахслар, шунингдек қасддан ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукми қилинган, ўталмай қолган жазо муддати икки йил-у олти ойдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳумлар (жавобгарлигини оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Таъкидланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва ҳавфсизликка қарши ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга

ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.

6. Ушбу Қарор асосида озод қилинмайдиган шахсларнинг:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилсин;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилсин.

7. Татбиқ этилмасин:

а) ушбу Қарорнинг амал қилиши — узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган; ўта ҳавфи рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жиноий жавобгарликдан ёки

жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазога алмаштирилган шахсларга;

б) ушбу Қарор 1-бандининг амал қилиши — ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;

в) ушбу Қарор 1-3, 5-бандларининг амал қилиши — Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга;

г) ушбу Қарор 1-3, 5, 6-бандларининг амал қилиши — таъкидланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва ҳавфсизликка қарши ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қўйма ва комиссиялари ушбу Қарорнинг қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратини ҳамда қарорни қўллашни тартиб-таомилларининг очик-ошкоралиги амалга оширилишида сенаторлар ва депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

9. Ушбу Қарор амалга оширилиши учун масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

10. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

Тошкент шаҳри,
2014 йил 14 ноябрь

И. Собиров

САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

Очик ва ошкоралик сиёсий жараёнларнинг муҳим шартидир

Изчил ислохотлар натижасида демократик талабларга, умумэтироф этилган халқаро меъёрларга мос фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланишига оид ҳуқуқий кафолатларини таъминлайдиган миллий сайлов тизими яратилди.



■ Расул КАМОЛ «Mahalla»

Сайловларнинг қонун талабларига мувофиқ равишда очик ва ошкоралик асосида ташкил этилиши ушбу

сиёсий жараённинг муҳим хусусияти ҳисобланади. Қонунчиликка мувофиқ сайлов комиссиялари мустақил бўлиб, фақат қонунга бўйсунди.

Жорий йилги сайловлар жамият-ни янада эркинлаштириш ва демок-

ратлаштириш жараёнида янги шароитда ўтказилади. Боиси мамлакатимиз иқтисодиёти мустақам ва барқарор ривожланиш босқичига кўтарилган бўлса, аҳолининг турмуш фаровонлиги ва ҳаёт даражаси ҳам шунга яраша юксалди.

— Маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказиш жараёнида фуқаролар йиғинларининг ҳам ўрни бор, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Риштон тумани бўлинмаси раиси Саминжон Ниёзов. — Туманимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 1 та, вилоят Кенгашига 3 та округ ҳамда туман Кенгашига 58 та сайлов участкасида жараёнга пухта ҳозирлик кўриломоқда.

Сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга 108 минг 843 нафар фуқаронинг рўйхати шакллантирилди.

> [2]

ИЖТМОИЙ ШЕРИКЛИК

Ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли муносабат

Сўнги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг мустақиллиги таъминлангани уларнинг давлат ҳокимияти органлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини янги босқичга олиб чиқиш заруратини юзга келтирди.

■ Холбиби САФАРОВА «Mahalla»

Бу жараёнда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамия-тини ривожлантириш концепцияси

асосида ишлаб чиқилиб, жорий йилнинг 25 сентябрида давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур қонун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини

> [3]



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Шундан кейин сенаторлар, «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқилди. Сенаторлар ушбу қонун 2015 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг концепциясини самарали амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг айрим қарорларини рўёбга чиқариш учун зарур ҳуқуқий шароитлар яратилишини, шунингдек, солиқ солиш соҳасида ягона ҳуқуқий қўллаш амалиётини таъминлашни таъкидлади.

Қонун билан «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунларга, Солиқ кодексига ва Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ва бошқаларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун ҳужжатларига киритилмаётган тузатишлар инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга, тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шароитлар яратишга, фуқаролик суд ишларини юритиш самардорлигини оширишга ва бошқаларга қаратилганлиги кўрсатиб берилди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқиш вақтида сенаторлар ушбу қонуннинг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига, 2014 йил 15 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида»ги, 2013 йил 12 декабрдаги «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ тайёрланганлиги кўрсатиб ўтилди.

Ушбу қонун билан бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, жумладан, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Табиий монополиялар тўғрисида»ги, «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги, «Банкротлик тўғрисида»ги, «Маҳсулотлар ва хизматларни лицензиялаш тўғрисида»ги қонунларга, Солиқ кодексига, Ҳаво кодексига, Жиноят кодексига, Фуқаролик-процессуал кодексига, Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ва бошқаларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун ҳужжатларига киритилмаётган тузатишлар инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга, тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шароитлар яратишга, фуқаролик суд ишларини юритиш самардорлигини оширишга ва бошқаларга қаратилганлиги кўрсатиб берилди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатлари доирасига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Сенатнинг икки кунлик мажлисида 10 та масала, шу жумладан, демократик ислохотларни босқичма-босқич ва изчил қўқурлаштириб боришга ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган 5 та қонун кўриб чиқилди, уларнинг рўёбга чиқарилиши аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, мамлакатимизда барқарорлик ва фаровонлигини қўқурлаштиришга қаратилганлиги кўрсатиб берилди.

Шу билан Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини тугаллади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

МУТАСАДДИ МАЛАКА ОШИРАДИ

Тажриба амалиётда албатта қўлланилади



Бугунги кунда фуқаролар йиғинлари ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, шунингдек, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бу борада йиғинлар ходимларининг малакасини муттасил ошириб боришни даврнинг ўзи тақозо этяпти.

■ Саноат МАМАТОВА, Бектемир туманидаги «Роҳат» маҳалла фуқаролар йиғини раисаси.

Президентимизнинг 2013 йил 10 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори маҳалла фаолларининг маҳорат ва тажрибасини ошириш, шу асосда ушбу тузилманинг ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнидаги иштироки ва фаоллигини кучайтиришда муҳим омил бўлиб хиз-

мат қилмоқда.

Ҳамкасбларим билан сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ўқув курсларида малака оширдим. Машғулотларда янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан ишлаб

чиқилган Намунавий низомлар, соҳага доир қонун ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти мукамал ўргатилди.

Замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган хоналарда таҳсил олдик. Ўрганган билим ва тажрибаларимизни амалиётда қўллаб, йиғин кенгаши ва комиссиялар ишини янада жонлантиришга киришдик.

Ишни маҳалладаги Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссиянинг фаолиятини изчил йўлга қўйишдан бошладик. Худудимиздаги йиғирмадан зиёд кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оиланинг муаммоларини бартараф этдик. Комиссия фаоллари ҳар бир хонадоннинг турмуш шароитини ўрганди, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга ҳомийлар бириктирилди. Улар кўмағида ўқувчилар учун махсус жамғарма ташкил этилиб, ҳар ойда мазкур ҳисобга юз минг сўм миқдорда маблағ жамғариб борилади.

Маҳалламиз худудидидаги «Баркамол авлод» болалар маркази тўғраида ҳам ахтиёжманд оилалар фарзандларига бепул хизмат кўрсатилади. Марказда ёшлар ўзлари қизикқан тўғрақларда шугулланади.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия иш режасига қўшимча киритилиб, фаоллар зиммасидаги вазифалар кўламини кенгайтирдик. Комиссия аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ҳар ҳафтада Фонднинг туман бўлини маси, тегишли ташкилот вакиллари ҳамда педагоглар билан биргаликда учрашувлар ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, машғулотларда олган билим ва кўникмаларимиз фаолиятимиз самардорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Халқаро ҳамжамият Ўзбекистоннинг фаровонлик даражасини муносиб баҳоламоқда

< [1]

Ўзбекистоннинг умумий рейтингини 2010 йилга нисбатан 19 позицияга, «иктисодий» кўрсаткичи бўйича эса 41 позицияга кўтарилди. Бу мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш даражаси, аҳолининг иқтисодий ривожланиш истиқболларига ишончи, сўнгги 5 йилда иқтисодий тараққиётда илҳомий ўзгаришлар рўй бераётгани, шунингдек, банк ва молия тизимининг ишончилиги каби кўрсаткичлар юқори даражага кўтарилгани самарасидир.

Рейтинг тузувчилар ўз бизнесини ташкил этиш учун бошланғич маблағ даражасининг пастлиги, тадбиркорлик билан шугулланиш учун ҳозирбадорлик, аҳолининг молия институтларига ишончи каби кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистонни дунёнинг етакчи давлатлари қаторига киритди.

Рейтинг тузувчилар фикрига кўра, мамлакатимиз умумлаштирилган «иж-

тимоий тараққиёт» кўрсаткичи бўйича дунёда 16-ўринни мустаҳкам эгаллаб турибди. Ўзбекистон ўрта таълим билан қамраб олиш, таълим сифати, соғлиқни сақлаш тизими, юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш, узок умр кўриш даражаси, шунингдек, болалар ўлимнинг пастлиги, кам сонли миллатларга нисбатан бағрикенглик, оилаларнинг барқарорлиги каби йўналишлар бўйича юқори ижтимоий кўрсаткичларга эга.

Ўзбекистон аҳоли ҳуқуқларининг кафолатлангани, ҳуқуқатга, мамлакат мурдофаа қобилиятига ишонч, болаларнинг таълим олиш имкониятлари, тўйиб овқатланиш, санитария шароитлари, шахсга ва аҳоли мулкига нисбатан жиноятчиликнинг пастлиги ва бошқа қатор муҳим кўрсаткичлар бўйича етакчи ўн мамлакат қаторидан жой олган.

Нуфузли халқаро институт томонидан берилган ушбу ҳолисона баҳо ҳақли равишда истиқлолнинг дастлаб-

ки кунларидан Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга оширилган келинаётган ислохотлар самараларини, аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт даражасини мутассил ошириш, мамлакатимизни изчил ривожлантириш учун барқарор иқтисодий шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини ақс эттирди.

Рейтингни тузишда БМТ, Жаҳон банки, Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, бошқа халқаро ташкилотлар ва таҳлил институтларининг объектив маълумотлари, шунингдек, «Legatum» институти томонидан ўтказиб келинаётган ижтимоий тадқиқотлар асосий манба бўлиб хизмат қилгани эътиборга олинадиган бўлса, Ўзбекистоннинг фаровонлик индекси бутун халқаро ҳамжамият томонидан муносиб баҳоланганини ишонч билан қайд этишимиз мумкин.

■ Ў.А.

САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГИСИ

Очиқ ва ошкоралик сиёсий жараёнларнинг муҳим шартидир

< [1]

— Сайловларнинг очиқ-ошқор, юқори савияда ўтишини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига катта масъулият юкланади, — дейди Бағдод туманидаги «Олчин» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Моҳира Содиқова. — Худудимиздаги 285-сайлов участкасида сайлов жараёни ва унга тайёргарлик ишлари жадал олиб боришда.

Бу йилги сайловда маҳалламиздан 2 минг 228 нафар фуқаро иштирок этди. Уларнинг 111 нафари биринчи марта овоз бераётган сайловчилардир. Сайлов комиссиялари таркибига тажрибали ўқитувчилар, тадбиркор ва ишбилармонлар, маҳалла фаоллари жалб этилган.

Маҳалла аҳолиси ва фаоллар номзодларни танлашда мамлакатимиз тараққиётга ҳисса қўша оладиган, тадбиркорлик,

фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиб, элга нафи тегаётган шахсларни қўллаб-қувватлаш ва уларга овоз беришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Хозир сайлов участкаларини зарур воситалар билан жиҳозлаш, сайловга оид шорлар ва панноларни жойлаштириш ишлари поёнига етмоқда.

Фарғона вилоятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ўтадиган сайловларга қизгин ҳозирлик кўришмоқда. Хозиргача Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловини ўтказувчи 15 та округ, вилоят Кенгаши сайловини ўтказувчи 60 та сайлов комиссияси тузилган.

Бўлажак сайловларнинг очиқ ва адолатли ўтиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, аҳолининг давлат бошқарувидаги иштирокини кучайтиришга хизмат қилади.

ЯНГИ РУКН: САЙЛОВДАН САЙЛОВГАЧА

Ижтимоий фаоллик ташаббус ва тараққиётга ундайди

Депутат фаолиятининг самардорлиги унинг иши тизим асосида йўлга қўйилганига боғлиқ. Айнан ана шундай фаолият, қабул қилинаётган қонунлар ҳаётга қандай таътиб этилаётгани, хўжалик юритиш амалиёти бугунги кунда қайси қонунларга муҳтож эканини, сайловчилар нима муаммоларга дуч келаётгани ва уларни ҳал этиш бўйича нималар қилиш зарурлигини аниқлаш учун депутатга имкон беради.

■ Акбар РУСТАМОВ «Mahalla»

Шу нуқтага назардан қараганда ўзига ишонч билдирган сайловчилар билан учрашиш, худудлардаги муаммоларни ўрганиб, уларни ҳал этишга қўмаклашиш — депутат фаолиятининг устувор вазифаларидандир.

Ўтган беш йил давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланган депутатлар масъулиятини ҳис этган ҳолда аҳоли ўртасида ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида амалга оширилаётган ислохотларни кенг тарғиб қилиш, фуқароларнинг сиёсий ва маданияти юксалишида фаоллик кўрсатишди.

Паррандачиликка иқтисосланган «Жондор чинор чорва», гишт ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Жондор қурилиш инвест» сингари эллиқдан зиёд кичик корхона бугунги кунда туман иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

— Мамлакатимизда демократик жараёнлар тобора жадаллашиб бораётган ҳозирги шароитда депутатнинг мавқеи ҳам, масъулияти ҳам бир неча баробарга ошди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлини раиси Ҳамза Худойкулов. — Сиёсий дунёқараши ва ижтимоий фаоллиги кундан-кунга бойиб бораётган фуқаролар эса, ўз депутатларига катта умид билан қараётганлар. Қўнланмаётган мудар давомиде депутатларимиз ана шу масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда ўзига ишонч билдирган сайловчилар ҳаётини яхшилаш йўлида изчил ҳаракат қилишаётир.

Натижада аҳолининг депутатларга ишончи янада ортмоқда. Бу эса фуқароларнинг яқинлашиб келаётган сайловлар ҳам фаол қатнашиши, депутатликка номзоди кўрсатилган шахс, у вакили бўлган партия илгари сурган гояларини чуқур ўрганиб, таҳлил этиб, муносиб номзодни танлашига имкон яратади.

ЭНГ НАМУНАЛИ БЎЛИНМА

Манзилли дастурлар ижросида масъулият янада ортади

Юртимизда маҳалла институти нуфузини янада мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган амалий ишлар натижасида бугун фуқаролар йиғини аҳолининг чинакам ўзини ўзи бошқариш органига айланди. Бунда уларга услубий ва амалий жиҳатдан қўмаклашаётган «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг муносиб ҳиссаси бор.



■ Илҳом РАҲМАТОВ «Mahalla»

Тизимдаги илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида ташкил

ётган кўмакнинг кўламини янада кенгайтираётди. Жорий йил Наманган вилоятида «Энг намунали бўлинма» сифатида эътироф этилган Фондининг Фист тумани бўлинмаси фаолияти чуқурлигига далилдир.

Туманнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фуқаролар йиғинларининг ўзига хос ўрни, мавқеи бор. Кейинги икки-уч йил мобайнида 11 та қишлоқ ва 70 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятини янада жонлантириш мақсадида ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хусусан, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

— Туманимизни ҳар томонлама намунали худудга айлантириш учун ҳокимлик томонидан барча йўналишларда, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўйича ҳам алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, шу асосда тизимли иш олиб боришмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлини раиси Раис Жўраҳон Мираҳмедов. — Жорий йилнинг ўтган даврида фуқаролар йиғинларига қарашли 69 та бино тўла таъмирланди. Уларнинг мод-

дий-техник базасини мустаҳкамлаш учун ҳокимлик ва ҳомийлар кўмағида 38 та, Фонд томонидан 16 та компьютер жамланмаси олиб берилди. «Тоймас-1», «Мустақиллик», «Майдон», «Навбахор», «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғинларида янги гузарлар фойдаланишга топширилди.

2010 йилга қадар туман бўйича атиги 1 та қишлоқ ва 2 та маҳалла фуқаролар йиғинида, жами 3 донга компьютер жамланмаси бор эди, ҳоло. Бугунга келиб бевосита ҳокимлик, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлини раиси ва ҳомийлар кўмағида 81 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг барчаси компьютер ҳамда замонавий алоқа воситалари билан таъминланди. Икки йил ичида барча йиғин ўз биносига эга бўлиб, ўндан зиёд янги гузар барпо этилди. Бу ютуқларда Фонд туман бўлини раисининг бекиёс улуши бор.

«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг энг намунали бўлини раиси таълимида бўлинма фаолияти ҳар жиҳатдан ўрганиб чиқилди. Хусусан, ҳужжатларнинг юритилиши, ижро интизоми, фуқаролар йиғинларига кўрсатилаётган амалий ва

услубий кўмак борасида амалга оширилган ишлар юқори баҳоланди.

— Шу билан бирга, ҳали олдинда талайгина вазифалар турибди, — дейди бўлинма раиси Ж.Мираҳмедов. — Айниқса, фуқаролар йиғинларида аҳоли ва ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни янада кучайтириш, миллий маънавийликни таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг сабабларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича янги режалар тузиб, аниқ манзилли дастурлар ишлаб чиқдик. Уларни бажариш учун йиғинларга кўмақдош, фаолларга елкадош бўлмоқдамиз.

Таъкидлаш жоизки, туман азал-тавалдан ҳар соҳада вилоятда етакчи. Хусусан, хунармандлар чуст пичоғи, дўпписини, пахтакорлар сугоришининг чуст усулини, соҳибкорлар сабзавотларини, қурувчилар шаҳар меъморчилигини, меҳмонлар эса Чуст боғини ибрат сифатида тилга олганлар. Эндилликда намунали туман мақомига эришаётган худуднинг янада гуллаб-яшнаётгани маҳаллага берилаётган эътиборда ҳам сезилиб турибди.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

16 НОЯБРЬ — ХАЛҚАРО БАҒРИКЕНГЛИК КУНИ

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли муносабат

«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун 2015 йилнинг 1 январидан қуча қирадиган бўлса-да, ундаги меъёрлар ҳаётимизда аллақачон ўз аксини топган. Чунки мамлакатимизда давлат ҳокимияти органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида муайян масалаларни ҳал қилишда ўзаро ҳамкорлик тажрибаси шаклланди. Юртимиздаги ижтимоий шериклик кенг қамровлиги, фақат меҳнат муносабатлари билан чегараланиб қолмай, балки ижтимоий ҳаётнинг муҳим соҳаларини ҳам қамраб олиши, аҳолининг кўпгаб ижтимоий гуруҳларини жалб этиши билан хорижлик экспертлар эътибори ва эътирофини қозонган.

риш, ваколатларини амалиётга татбиқ этишда ҳам бу қонун яна бир ҳуқуқий асос бўлди. Унда фуқаролик жамияти институтларининг мавжуд муаммоларини ҳал қилишда бюджет маблағларидан ташқари ижтимоий шериклик субъектларининг ўз маблағларини ҳам жалб этиш ҳуқуқи белги-ланган.

Юртимиздаги ижтимоий шериклик ҳалқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини рўйга чиқариш билан боғлиқ барча соҳаларни ўз ичига олган. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, фаоллигини ошириш, бандликни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, атроф-муҳитни, одамлар соғлигини ҳимоялаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бўйича амалга оширилган саъй-ҳаракатлар самарадорлигида ижтимоий шериклигининг ўрни бекиб.

— Худудимиздаги барча фуқаролар йиғинларида «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун тарғиботи бағишланган тадбирлар ташкил этилмоқда, — дея суҳбатни ахборотчи раис М.Мамиков. — Чунки аҳоли мазкур қонуннинг мазмун-моҳирини чуқур тушушга, ҳаётда ундан унумли фойдаланади. Негаки, бу қонун фуқароларнинг маҳалла тизими орқали мамлакатни, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишдаги иштирокига йўл очди. Яъни фуқаро ўзи яшаб турган маҳаллага ҳудуддаги бирор муаммони бартараф этиш ҳақида мурожаат қилса, йиғин раиси мазкур муаммони давлат органига етказиши, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига шу асосда тақлиф киритиши мумкин. Қонунда давлат органлари бундай тақлифларни қўриб чиқиши шартлиги ҳам белгиланган.

Шунингдек, фан, таълим, ахборотлаштириш, маданият ва спортни ривожлантириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, миллатлараро тутовил ва фуқаролар аҳиллигини мустаҳкамлаш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалаларда ҳам ўзаро ҳамкорликда, яъни ижтимоий шерикликда иш юритиш муваффақиятлар гарови бўлмоқда.

Хуллас, фуқаролик жамияти институтлари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатлари жамоатчилик назорати институти билан бир қаторда, фуқароларнинг жамият ҳамда давлат бошқарувида иштирок этишини кафолатловчи ишончли воситадир.

— «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунда белгилаб қўйилган қоидаларнинг амалиётга татбиқ этилиши фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органлари учун бирдек фойдалидир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навбахор тумани бўлини раиси раис Малик Мамиков. — Жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллашти-

Ягона оилада муштарак мақсад сари



Миллатлараро тутовил ва аҳилликни мустаҳкамлашга, маънавий-ахлоқий тарбияни кучайтиришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни алоҳида.

Садоқат МАХСУМОВА «Mahalla»

Беш Қомусимизнинг 4-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элаларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратеди», деган ҳуқуқий меъёр белгилаб қўйилгани ҳам юртимизда бағрикенглик тамойиллари устувор эканидан далолат беради.

ган «Маърифат» маҳалласи Тошкент вилоятининг Ҳўқори Чирчиқ туманида жойлашган.

— Йиғинимизда ўндан зиёд элат вакиллари бир оила фарзандларидек, ўзаро ҳамжихатликда яшайди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Зулфия Исмолова. — Уларнинг миллий маданиятлари, анъана ҳамда қадриятларини сақлаш, ривожлантириш учун барча шарт-шароит яратилган. Йиғинимизда ташкил этилаётган турли тадбирлар, фестиваллар, кўр-танловлар миллий ва умумба-шарий удувларни равақ топтиришга хизмат қилаётди.

Худуддаги таълим муассасалари билан ҳамкорликда «Қудратимиз — бирлик ва ҳамжихатликда», «Миллат бошқа бўлса-да, мақсад ягона», «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиорлари остидаги фестиваллар чинакам дўстлик байрамига айланади.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Янги уйлар тараққиёт йўллари туташиди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 июндаги «Электрлаштирилган Ангрэн — Поп темир йўл линияси қурилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида айни кунларда катта ҳажмда қурилиш ишлари бажарилаётди.

Ашурали БОЙМУРОД «Mahalla»

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК капитал қурилиш дирекцияси томонидан Охангарон тумани ҳокимлигига уй-жойлари темир йўл линияси қурилиши майдонига тушган аҳолини босқичма-босқич кўчириш бўйича киритилган тақдирномага асосан ҳозирга қадар 50 та хўжалик кўчирилган, 26 кишининг ерга эгаллик ҳуқуқи таъминланди. Айни пайтда ушбу уй-жойларни мустақил баҳоловчи ташкилот қайта баҳо-

765 миллион 227 минг сўм компенсация тўлаб берилди. Кўчирилган 50 та хўжаликнинг оила аъзолари сони ҳисобга олинган ҳолда Охангарон туманининг Увак аҳоли пунктидан 64 та хонадонга ер участкаси ажратилди. Шунингдек, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК капитал қурилиш дирекциясининг 2014 йил 18 июндаги тақдирномасига асосан Саридала аҳоли пунктидаги 7 та хўжаликни кўчириш бўйича қўшимча топшириқ берилди.

МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДИЛИК

Иқтидори санъати ва касб-корида намоён

Юртимизда миллий қадриятларимизни қайта тиклаш, уни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли ҳунармандчилик равангига ҳисса қўшаётган усталар сафи кенгайиб бораётди.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ «Mahalla»

Нукуслик Озод Ўтарбаев умрини ҳунармандчиликка бағишлаган инсонлардан. У нафақат миллий мусиқа асбобларини ясовчи моҳир уста, балки чоғлуларга куй ихро этувчи санъаткор сифатида ҳам элга танилган. Ҳунарманд 24 турдаги миллий соз асбобларини ясаш билан бирга, уларнинг барчасини маромига етказиб чала олади.

ти хорижий давлатларда ҳам эътироф этилмоқда. У Туркманистонда ўтказилган «Аваза» халқаро миллий соз асбоблари кўргазмасида 5 мартта иштирок этиб, совринли ўринларни кўлга киритди. Шунингдек, 2012 йили Хитойда ўтган ҳунармандлар халқаро кўргазмасида устанинг 12 та миллий мусиқа асбоби юқори баҳоланди. 2012 йилда унга ЮНЕСКО ташкилоти кўмағида устaxonа куриб берилди. Ҳозир кўпгаб ёшлар у ерда ҳунар сир-асрорларини ўрганишмоқда. Яқинда устaxonада ўтказилган семинар-тренингда Қорақалпоғистон Республикасининг чекка туманларида фаолият юритиётган ҳунармандлар ҳам иштирок этди.



ижодига чуқур назар ташласак, ҳали бизга маълум бўлмаган жиҳатларни кўрамиз. Изланишларим асосида гарчи (овози тоғ форларидан чиқаётган сасга ўшагани учун шундай аталади), баламан, кўзиб, чанқовуз, созсунрай, сибиэга ва ҳиштанинг 5 турини ясадим. Энг қизиғи, уларнинг ҳар бирининг товуши ўзгача.

Озод устанинг шоғирдлари 200 нафарга етди. Бу унинг барқамол авлод тарбиясига қўшаётган муно-

ни пайтда устaxonада ясаётган маҳсулотларимиз ҳудудимиз ва кўшни туманлардаги мусиқа мактаблари, маданият уйлари тарбияланувчилари санъатга ошно этилмоқда. Буюртмалар кўплиги ёшларнинг мусиқага қизиқиши ортиб бораётгани, уларнинг бўш вақти мазмунли ўтаётганидан далолат беради. Яқинда 4 нафар коллеж битирувчиси бизга шоғирд тушди. Устанимдан ўзлаштирган сир-асрорларни уларга ўргатялман.

Озод Ўтарбаев мамлакатимизда ўтказилаётган турли танлов ва кўргазмаларнинг фаол иштирокчиси. Хусусан, «Ташаббус — 2010» танловида «Йилнинг энг фаол ҳунарманд оиласи» номинациясини кўлга киритган бўлса, 2012 йилда шу танловнинг республика босқичида 3-ўринга муносоқ тоғилди.

Устанинг ёш авлод тарбияси, миллий анъаналаримизни янада сайқал топтириш йўлидаги эзгу ишлари давлатимиз томонидан эътироф этилган. У 2008 йилда «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Шунингдек, О.Ўтарбаев ўтган йили «Қорақалпоғистон Республикаси санъат арбоби» унвонига мушарраф бўлди.

САЙЛОВГА ОИД САВОЛ

Маҳаллалар ҳам номзод кўрсата олади

САВОЛ: — Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эгами?



ЖАВОБ:

— Ҳа, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга. Бунинг учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раҳбари депутатликка номзодларни рўйхатга олишни сўраб тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади.

органлари тегишли ҳудудда жойлашган ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ваколатли ҳисобланади. Агар тегишли халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округи ҳудудида фуқароларнинг икки ва ундан ортиқ ўзини ўзи бошқариш органи жойлашган бўлса, депутатликка номзод фуқаролар вакилларининг йиғилишларида кўрсатилади.

Сийсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партияси аъзоларини депутатликка номзод этиб кўрсатади. Фуқароларнинг депутатликка номзодларни рўйхатга олишни сўраб тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар сийсий партияларнинг вилоят органлари томонидан кўрсатилса, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар сийсий партияларнинг тегишли туман, шаҳар органлари томонидан ҳамда фуқаролар йиғинларида (вакиллари йиғилишларида) кўрсатилади.

Сийсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

Маҳсулотлар тўқислиги таъминланади

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон шаҳар бўлини раиси хайрига ишга қўл урди. Ҳар йили эрта баҳорда мева-сабзавотнинг нархи ошиб кетишини эътиборга олиб, ушбу масала устувор вазифалар қаторига киритилди.

Абдулмулаев «Mahalla»

Ёз ойларида шаҳардаги 74 та маҳалла раислари ҳамда масъул котиблар иштирокида ўқув машғулотлари ўтказилди. Бунда фермер хўжаликлари билан иқтисодий, ҳуқуқий ҳамкорликни йўлга қўйиш, хусусан, қуз фаслида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини шакллантиришда миришкорлар кўмағига таяниш каби масалалар қамраб олинди.



— Авваллари озиқ-овқат захирасини яратишга беларво бўлганимиз туфайли қиш ва эрта баҳорда нарх-навоининг ошиши оила бюджетига жиддий таъсир кўрсатарди, — дейди Фонднинг шаҳар бўлини раиси раиси ўринбосари Ботиржон Турсун. — Эндиликда фуқаролар эътиборини шу соҳага жалб этиб, захира жамғариш борасида алоҳида режа ишлаб чиқди. Унга кўра, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман ва шаҳар бўлиналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига қатор вазифалар ва зарур чоралар белгилаб ижроси изчил таъминланапти.

да келтирилиб хонадонларга тарқатилди. Иккинчидан, эҳтиёжи кўпроқ оилалар аниқланиб, уларга Андижон шаҳридаги деҳқон бозорида фаолият юритиётган «Элга хизмат» масъулияти чекланган жамиятларининг омборларига маҳсулотлар жамланди.

Айни кунларда озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини яратиш бўйича маҳаллаларда кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Биз 1-сонли маҳалла фуқаролар йиғинида бўлганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик. Мазкур маҳаллада 8 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Биринчи галда 34 та уйнинг том, йўлак, фасад ва саҳнлари таъмирланиб ободонлаштирилди. Болалар майдончалари тартибга келтирилди. Маҳалла ҳудудидаги 9 та широкатга банкдан 534 миллион сўм кредит ажратилиб, улар ўртасида тақсимланди.

Мева-сабзавотларнинг сифатли сақланиши ва талон-торож қилинмаслиги учун жамоатчилик назорати ўрнатилди. Жамоатчилик назорати таркибига «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари Ғофуржон Қамбаров, кўп қаватли уйлар бошлиқлари киритилди.

Уйлар қишга тайёр ҳолга келтирилган, маҳсулотлар захирасини шакллантиришга киришилди. Дастлаб аҳоли эҳтиёжлари ўрганиб чиқилди. Маҳалладаги 230 дан ортиқ хонадон соҳиблари билан суҳбатлар давомида қиш-баҳор фасллари учун 25 тонна пиёз, 35 тонна картошка, 30 тонна сабзи, 22 тонна гурuch, 15 тонна қарам, 10 тонна ошқовоқ, 15 тонна мева кераклиги аниқланди. Бу маҳсулотларни жамғариш қўйидаги тартибда олиб борилди. Биринчидан, аҳоли маблағи тўланиб, вилоятнинг Бўз туманидан сабзи, Жалақудуқ туманидан картошка, Олтинкўл туманидан пиёз арзон нархлар-

Маҳалла мутасаддилари, шунингдек, ҳудуддаги 34-иктисослаштирилган мактаб, 40- ва 41-мактабга таълим муассасаси, ижтимоий-иқтисодий таълим ва ҳунар коллежи жамоаларининг озиқ-овқат захирасини яратиш борасидаги фаолиятини ҳам назоратга олди. Бу муассасаларга фермер хўжаликларидан мева-сабзавот келтирилиб, омборхоналарга жойлаштирилгани ҳақида баённо-малар расмийлаштирилди.



ИБРАТ КЎЗГУСИ

Фарзандлар
эртасидан кўнги
хотиржам

Қасбимиз тақозоси туфайли ота-оналар билан тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб тураемиз. Бундай мулоқотларда гап, албатта, фарзандларимиз таълим-тарбияси ҳақида боради. Ота-оналарнинг гап-сўзлари, юз-кўзларидан ўғил-қизлари камолдан мамнулик, эртанги кундан хотиржамлик ҳисси яққол сезилади.



■ Қиммат КАМОЛОВА, Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги «Сурхон соҳили» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби.

Чиндан ҳам, болаларимизнинг жисмонан соғлом ва маънан етук инсон бўлиб вояга етишига давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилаётгани барчамизни қувонтиради.

Мустақил диёримизда фуқароларнинг сифатли таълим олишига оид ҳуқуқлари, аввало, Конституциямиз орқали мустақамлаб кўйилган. Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 41-моддасида: «Хар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қамолатланади», дея белгиланган. Ана шу тамойилдан келиб чиқиб, ўтган йиллар давомида таълим тизими истиқболли белгиланган бўлиб ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Маҳалламизда кўркам қиёфага эга, замонавий ускуналар билан жиҳозланган 7-умумтаълим мактабиди 1064 нафар ўқувчи таҳсил олади. Ўқув масканларининг таълим жиҳозлари, дастурлар ва дарсликлар билан тўла таъминлангани туфайли ёшларимиз, айниқса,

чет тилларини яхши ўзлаштиришга, дунёқарашни кенг, фикри тиник авлод бўлиб улғаяётди.

Худудимиздаги ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмини кучайтиришга қаратилган тadbирлар, урғулар фаолиятимизни такомиллаштиришда яхши самара бермоқда. Масалан, шундай тadbирлардан бирида чет тили ўқитувчиси Нигора Холиёрова кам таъминланган оила фарзандларига инглиз тилини ўргатадиган тўғарак очиб таклифи билан чиқди. Бу таклиф фуқаролар йиғини томонидан қўллаб-қувватланди.

Бугун Нигора шундай оилаларнинг 20 нафар фарзандига инглиз тилини таълим олишда сабақ бермоқда. Ўқитувчи маҳалла фаоллари иштирокида ҳафтанинг шанба кунлари шогирдларининг ота-оналари билан суҳбатлашиб, ўқувчиларнинг уй шароитида билимларини мустақамлаш, машғулотларга мунтазам қатнашиши ҳақида маслаҳатлашиб олади. Узриси дарсга келмаган ўқувчининг оилавий аҳолини ўрганади.

Ҳа, Н.Холиёрова сингари замондошларимизнинг ёш авлод камолоти йўлидаги фидойилигидан ибрат олса арзийди.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРЛИМИЗ

Маҳаллада ҳам раис,
ҳам мураббий

Бокс бўйича халқаро тоифадаги ҳакам Мирсолиҳ Соатов пойтахтнинг Учтепа туманидаги Хондамир номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимда фаолият юритади.

■ Шерзод ҚУРБОНОВ «Mahalla»

Болалигидан спортга бўлган иштиёқи уни жисмоний тарбия институтига етаклади. Кўплаб спорт мусобақаларида зафар қучган боксчи республика спорт кўмитасида мураббий бўлиб ишлади. Она юрт довуғини дунёга таратиш истагидаги боксчи рус, француз, инглиз тилларини пухта ўрганди.

Мустақиллик йилларида жаҳон ареналарида юртимиз байроғини баланд кўтарган қатор боксчиларимиз камалига халқаро тоифадаги спорт устаси М.Соатовнинг хизмати синган. Ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинган куннинг бир йиллиги муносабати билан фахрий ёрлиқни Президентимиздан қабул қилиб олган ҳақларини у умрининг энг унутилмас, ҳаяжонли дамлари, деб ҳисоблайди.

— Ёшларни спортга қизиқтиришда оила, ота-она билан биргаликда маҳалладаги муҳитнинг ҳам таъсири катта, — дейди М.Соатов. — Сало-



матлик, узоқ умр кўриш, тетик ва бардамлик синоатларининг бари спортда мужассам. Шу боис худудда аҳолининг ёшидан қатъи назар, бирор спорт тури билан шуғулланишига имкон яратиш мақсадида иш олиб бораёмиш. Бу эса соғлом турмуш тарзининг қарор топишига олиб келди. Шахмат бўйича етти карра жаҳон чемпиони 14 ёшли Ортиқ Нигматовнинг ёки «Умид ниҳоллари» мусобақасининг шахар боксчида спортнинг дзюдо, самбо турлари бўйича муваффақият қозониб келаётган Юнус Мир-

соатовнинг интилишлари диққатга сазовор. Маҳалламиз ифтихорига айланган бу ўспиринларнинг ютуқлари замирида, аввало, давлатимизнинг таълим, спорт соҳасидаги туб ислохотлари самараси, қолаверса, маҳалламиздаги ўзига хос спорт муҳити яққол намоён.

Худуддаги спорт зали доимо ёшлар билан гажум. Уларнинг футбол, волейбол, баскетбол, кураш ва бошқа спорт турлари бўйича машғулотларда тобланишида шахсан раиснинг ўзи бош-қош.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Оила мустақамлиги
юксак маънавиятдан

< [1]

— Худудимиз аёлларининг ҳуқуқ ва эринликлари, қонуний манфаатларини ҳимоялаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустақамлаш, ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, энг аввало, оилак ва болаликни муҳофизат қилишда тизимли ишларни амалга оши-

ри, репродуктив саломатлик ва тиббий профилактикага алоҳида эътибор қаратилгани аҳолини ноҳўя таъсирлар ҳамда ахборот хуружларидан ҳимояламоқда.

Қолаверса, ижтимоий-маънавий муҳит мустақамлигини таъминлашда аёлларнинг мафкуравий «имунитет»ини мустақамлаш долзарб аҳамиятга эга. Ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмаганидек, юрдошларимиз орасида айримларнинг интернет сайтларида нотаниш шахслар билан «дўстлашиш-и, билиб-билмасдан турли зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Ушбу мавзуларда худуд профилактика инспектори Абдулбосит Қодиржонов билан бирга нафақат мактабларда, балки маҳалла аҳли ўртасида суҳбатлар ўтказишни йўлга қўйганмиз.

Бундай саъй-ҳаракатлар туфайли маҳалламизда маънавий муҳит барқарор. Хусусан, Соғлом бола йилида ўтказилган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг Тошкент шахар боксчида маҳалламиз 3-ўринга муносиб топилгани айнан хотин-қизлар йўналишида олиб борган фаолиятимиз ҳосиласидир.

Иссиқхона газлари камаяди

Жаҳондаги атмосферага энг кўп зарарли газ тарқатадиган АҚШ ва Хитой чиқиндиларини ҳавога чиқаришни камайтирмоқчи.

АҚШ Президенти ва ХХР раҳбарининг Пекиндаги музокаралари якунида шунга қарор қилинган. АҚШ 2025 йилга бориб иссиқхона газлари чиқарилишига оид қиёсатчилик солиштиришда 26-28 фоизга камайтиради. Хитой томони захарли газларни қанчага қисқартиришини маълум қилма-

ган. Аммо 2030 йилга бориб уларни камайтиришини билдирган.

Атмосферага кўп миқдордаги иссиқхона газлари чиқарилаётгани оқибатда табиий офатлар сони ортиб, қишда ҳаддан зиёд совуқ, ёзда эса ҳаво ҳарорати меъёридан кўтарилиб кетмоқда.



«Фил» кометада

Европа космик аппарати самовий тадқиқотлар тарихида илк бор комета юзасига етиб борди.

«Фил» лаборатория модели «Розетта» фазо аппаратида ажралиб, Ердан 510 млн. км. узоқликдаги улкан муз ва чангдан иборат 67П кометаси юзасига қўнган. Ўтган асрнинг 90-йилларида яратилган «Розетта» кемаси 2004 йил айнан кометани ушлаш учун фазога учирилган эди. Тадқиқотлар ўтказиш «Фил»даги кўш батареяларининг муваффақиятли зарядлана олиши ва чангга тўлиб қолмаслигига боғлиқ.

Комета бундан 4,5 млрд. йил илгари Қуёш тизимида пайдо бўлган дастлабки муҳим материаллар ҳақида маълумот бериши мумкин. 510 млн. км.лик масофадаги фазо кемасига Ердан радиотопшириқ этиб бориши учун қарий ярим соат вақт зарур бўлади.

■ Интернет материаллари асосида Н. АСЛОН тайёрлади.




«Заҳри қотил» миқдори ортган

БМТ ҳисоботида жорий йилда Афғонистонда кўкнори етиштириш рекорд даражада кўпайганидан хавотир билдирилган.



Ҳисоб-китобларга кўра, бу йил мамлакатда кўкнори экилган даладар 7 фоизга кенгайган, ҳосил эса 17 фоизга ошган. Бангивор моддалар жана нубий ҳамда гарбий вилоятларда кўп етиштирилмоқда.

Афғонистон 1990 йилдан бундан дунёдаги энг кўп героин тайёрланадиган мамлакат ҳисобланади. Ҳозирда бу ерда бангиларнинг сони бир миллиондан ошган.



Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Mahalla

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар: Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

Нашр кўрсаткичи: 148

20090 нусхада чоп этилди. Бюролма S-1344

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: С.Турдали ўғли
Муваҳхих: Н.Азимова
Навбатчи: Т.Низомов
Нашр навбатчиси: М.Латипова

Таҳририй манзил: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Баҳоиси келишилган нарҳда.

МУШТАРИЙ МАКТУБИ

Одамийлик салтанати
пок туйғулар билан тирик

Мен Тошкент шаҳри Учтепа тумани «Шафтолизор» маҳалласида яшайман. «Mahalla» газетасини мунтазам ўқиб бораман. Айниқса, «Гузардаги гурушлар», «Оила тилсини», «Кўнги кўнгиладан сув ичар» руқиялари остида бериладиган мақолалар менга кўпроқ ёқади. Газета саҳифаларидаги турфа чиқишларни мутолаа қила туриб, ҳаётимда бўлиб ўтган айрим воқеалар ҳақида ёзиш фикри туғилди.

Очиғи, неча йиллардан буён қалбимнинг тубида асраб юрган бир сиримни, тўғрироғи, оиламни парокандаликдан сақлаб қолган воқеани баён қилмоқчиман. Ушунда менга на ота-онам, на яқинларим ёрдан беролган, аксинча, етти ёт беғона, аммо маҳалладошим, олижаноб, камтарин, оқила бир инсоннинг беғарз кўмаги, маслаҳати билан ҳаётим қайта изга тушганди. Бу инсонни Ақида опоки деб қақирардик.

..Янги тушган келинман. Тўйимизда бош-қош бўлган, кайвони бу аёлни кўрганимдаёқ унинг маҳаллада эътибори, хурмати баландлигини англадим. Тўғрисиқлиги, ҳалоллиги боис унга қарши боришга ҳеч ким болинолмас, баъзиларнинг ақлини киритиб қўйишга опокиннинг ҳадди сизгарди.

Орадан ойлар ўтди, ҳомилали бўлишим келкан сари оиламиздаги совуқ муносабат таза-ранглашаверди. Бир кун қўнчиқўшлар сумалакка пиширишди. Қайнонам ҳам сумалакка отланди. Бир тоғора сомса пишириб бердим. Даврага чиққим, юрагимнинг чигалини ёзгим келди. Аммо қайнонам мени таклиф қилмади.

Ойимни кузатиб, уй ишларини битиргач, кўча супургани чиқдим. Қарасам, Ақида опоки ҳам сумалакка кетаётган экан. Сўрашдик, синчков нигоҳи билан менинг дардимни пайқайди, шекилли: «Келинжон, уйингиздан 3 донга ёнғоқ олиб чиқинг, кейин бирга мен билан юринг», деди. Тезда айтганини қилдим. Мени эргаштирганча, сумалак тепасига бориб: «Секин-аста ниҳонларингизни айтиб қовланг, киссадаги ёнғоқларни бирма-бир ўғил, қиз болалар исмларини айтиб қозонга ташлайверинг. Аллоҳдан фарзанд сўранг, иншоолх, сумалак бошида айтилган эзгу ниятлар мустақам бўлгусидир», деди. Ихлос билан унинг айтганини бажардим.

Бу орада бизни зимдан кузатиб, қовоғини ўйиб ўтирган қайнонам ҳам опокиннинг эътиборидан четда қолмади. Унга узланиб: «Келинни койиманг, уял мен олиб келдим», деди. Шундан сўнг уйга қайтдим, қарангки, сумалакни сузганимизда ёнғоқларим ўзимга қайтди. Уларнинг турмуш ўртоғини икковимиз чақиб едик. Келаси ойдан юкли бўлдим. Бу, албатта, Аллоҳдан. Лекин сабабчи Ақида опоки.

Фарзандим туғилди. Ҳамма хурсанд. Лекин сал ўтмай қайнонам билан турмуш ўртоғим ўзгариб қолишди. Арзимас сабаблар билан жанжал чиқариб, мени беҳурмат қилишарди. Сабгани тугаб, отамникига кетдим. Орадан узоқ муддат ўтди, турмуш ўртоғим ҳатто телефон ҳам қилмади, боламнинг ҳолини ҳам сўрамади. Менинг кўнгируқларимга жавоб бермади.

Шундай кунларнинг бирида Ақида опоки бизни йўқлади. У онамга ярим ҳазил, ярим чин «қиз туққан қайбор»лигини, мени уйимга айтаётган онамининг бурчи эканини таъкидлади. Опокиннинг гап-сўзларини обдон ўйлаб кўрган онам, бир ҳафтадан кейин мени олиб йўлга отланди.

Аммо уйга боргач, вазият биз кутгандан ҳам чигаллашгани маълум бўлди. Гап шундаки, турмуш ўртоғим бошқасини топган, тез орада уйланадиган, қайнонам ҳам бунга рози экан. Онам билан бу ерда ортиқча эканимизни англаб, боламини кўтарганча кетишга чоғландик.

Айрим истиқолалар билан исминини ошқор этмадим...

Нашр кўрсаткичи: 148

20090 нусхада чоп этилди. Бюролма S-1344

Тошпириш вақти — 21.00

Тошпирилди — 21.00